

Рўзанинг фойдалари



22:47 / 22.03.2023 3748

Уламоларимиз инсоннинг моддий майлларга асир бўлмаслигини, нафснинг буйруқларига мутеъ бўлиб ҳаёт кечирмаслигини, аксинча, руҳнинг жасадга ҳукмронлигини таъминловчи энг таъсирли йўл рўза эканини таъкидлашади. Профессор Ҳамидуллоҳ шундай дейди: «Рўза ойи бўлмиш Рамазон вақти-вақти билан қишга, ёзга – йилнинг барча мавсумларига тўғри келади. Рўза тутган одам ёзнинг жазирама иссиғида ёки қишнинг қаҳратон совуғида турли маҳрумиятларга кўникади. Шубҳа йўқки, одам бундан соғлиқ жиҳатидан ҳам, руҳий жиҳатдан ҳам, бошқа томонлардан ҳам фойда кўради».